

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОМИДОВ СОХИБМАЛИК ОЛИМОВИЧ

**САНОАТНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯСИНИ
МОДЕЛЛАШТИРИШ
(Ўзбекистон Республикаси мисолида)**

08.00.06 - Эконометрика ва статистика

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in
Economic Sciences**

Хомидов Сохибмалик Олимович

Саноатнинг ривожланиш тенденциясини моделлаштириш
(Ўзбекистон Республикаси мисолида) 3

Хомидов Сохибмалик Олимович

Моделирование тенденции развития промышленности
(на примере Республики Узбекистан) 25

Khomidov Sokhibmalik Olimovich

Modeling of the industry development tendency
(on the example of the Republic of Uzbekistan) 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 51

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОМИДОВ СОХИБМАЛИК ОЛИМОВИЧ

**САНОАТНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯСИНИ
МОДЕЛЛАШТИРИШ
(Ўзбекистон Республикаси мисолида)**

08.00.06 - Эконометрика ва статистика

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2017.1. PhD/Iqt31
рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdiu.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталаида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Махмудов Носир Махмудович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ғуломов Саидахрор Саидахмедович
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Абдуғаффаров Абдухалил
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация химояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» ____ куни соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tdiu@tdiu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail:tdiu@tdiu.uz..

Диссертация автореферати 2018 йил «__» ____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» ____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Б.Ю. Ходиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, и.ф.д., профессор

А.Н. Самадов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, и.ф.н., доцент

Р.Х. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати. Жаҳон статистик маълумотлари(UNIDO)га кўра, ривожланаётган ва янги саноатлашган давлатлардаги иқтисодий муваффакиятларнинг аксарияти саноатда, айниқса, қайта ишловчи саноатда чуқур тузилмавий ўзгаришлар билан изоҳланади. Жумладан, жаҳон қайта ишловчи саноатида қўшилган қийматнинг 44,6 фоизи ҳамда экспорт маҳсулотларининг 34,6 фоизи мазкур мамлакатлар хиссасига тўғри келади¹. Тадқиқотларга кўра, саноат тармоғи иш ўринларини яратишида ҳам муҳим ўрин тутади. Хусусан, қайта ишловчи саноатда битта иш ўрнининг яратилиши бошқа тармоқларда икки ёки учта иш ўрни яратилишига олиб келади².

Бугунги кунда саноат тармоғининг ривожланиши мамлакатимиз иқтисодиёти учун ҳам муҳим ўрин тутади. Хусусан, республика ЯИМда тармоқлар қўшилган қийматининг 25,7 фоизи, иқтисодиётдаги жами бандликнинг 13,6 фоизи ҳамда иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 39,4 фоизи мазкур тармоқ хиссасига тўғри келади³. Ҳозирги иқтисодий вазиятда жаҳон бозорларида рақобат шиддат билан кучайиб бораётган бир пайтда миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини тубдан яхшилаш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан узлуксиз янгилаб бориш, иқтисодиётда чуқур таркиби ўзгаришларни амалга ошириш, тармоқларни модернизация ва диверсификация қилишни изчил давом эттириш масалалари иқтисодий сиёsatда долзарб аҳамият касб этиб, бу каби вазифаларни амалга оширишда саноат тармоғининг мавқеи тобора ортиб бормоқда. Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «миллий иқтисодиётнинг таркибида саноат улушини кўпайтириш, юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш»⁴ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг самарали ижроси республикамиз саноат тармоғининг ривожланиш тенденциясини чуқур таҳлил қилиш, унинг барқарор ривожланишига таъсир этувчи омилларни миқдорий тадқиқ этиш ва шулар асосида илмий таклиф ҳамда амалий тавсияларни ишлаб чиқишни талаб этади.

¹ Industrial Development Report 2018. Demand for Manufacturing: Driving Inclusive and Sustainable Industrial Development. UNIDO. Vienna, 2017. pp. 158-171.

² Lavopa A. and Szirmai A. (2012). Industrialization, Employment and Poverty, UNU-MERIT Working Paper Series 2012-081. Maastricht, The Netherlands: United Nations University, Maastricht Economic and Social Research Institute on Innovation and Technology.

³ Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами 2010-2016. Тошкент, 2017. 35, 53, 239 - б..

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони. // www.lex.uz.

Ҳозирги кунда жаҳон саноатининг ривожланиш тенденциясида юқори технологияли саноат тармоқларини ривожлантириш, саноатнинг энергия сифимини пасайтириш, қайта ишловчи тармоқларнинг имкониятларидан фойдаланган ҳолда жаҳондаги бандликнинг барқарор ўсишини таъминлаш, жаҳон экспорт тузилмасини фан-техника сифими юқори бўлган «экологик маҳсулотлар» ишлаб чиқариш ҳисобидан кенгайтириш каби масалалар устувор аҳамият касб этиб бормоқда. Мазкур жиҳатлардан келиб чиқсан ҳолда мамлакатимизда ҳам бу борада чуқур тадқиқотлар олиб бориш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 11 февралдаги «2015-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш давлат дастури тўғрисида»ги ПҚ-2298-сонли қарорида, 2015 йил 4 марта «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, таркибий ўзгартиришларни таъминлаш чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги ПФ-4707-сонли фармонида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда ПФ-4947-сонли фармони билан қабул қилинган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот натижалари муайян даражада хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг «Демократик ва хуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни моделлаштириш ва прогнозлашнинг назарий ва амалий жиҳатлари, тармоқлараро баланс моделларини тузиш, техник тараққиёт ва иқтисодий ўсишни эконометрик тадқиқ этиш масалалари Ч. Кобб, П. Дуглас, В. Леонтьев, Р. Солоу, А. Волтес, Н. Калдор, Р. Шепард, Г. Тейл, Р. Пиндайк, Ж. Моор, А. Льюис, Х. Хаустein, Р. Лукас, М. Хироока, Ж. Медсэн, Ф. Хайек, М. Комби⁵ сингари хорижлик иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида чуқур тадқиқ этилган.

Саноат ишлаб чиқариш жараёнларини моделлаштириш ва прогнозлаш, ишлаб чиқаришни кўп мезонли оптималлаштириш, саноатнинг минтақавий ривожланиши ва унинг кўп ўлчовли динамикасини таснифлаш масалалари Л.В. Канторович, Л.Л. Терехов, Г.Б. Клейнер, В.Е. Адамов, А.Ф. Ревенко, П.А. Ватник, В.Н. Бурков, В.К. Конторович, Н.Г. Андронникова,

⁵ Lucas R. On the Mechanism of Economic Development // Journal of Monetary Economics. Vol. 22. July. P. 3-42. 1988; Hirooka M. Innovation Dynamism and Economic Growth. A Nonlinear Perspective. - Cheltenham, UK - Northampton. MA, USA «Edward Elgar», 2006; Madsen J.B. «Semi-Endogenous versus Schumpeterian Growth Models: Testing the Knowledge Production Function using International Data». Journal of Economic Growth, forthcoming, 2008; Хайек Ф. Цены и производство. Челябинск: Социум, 2008; McCombie J.S.L., Spreafico M.R.M. Kaldor's «technical progress function» and Verdoorn's law revisited. Cambridge Journal of Economics, 2015.

В.А. Колемаев, С.В. Клементьева, В.С. Муравьева, А.И. Орлов, Р.М. Нуреев, И.С. Светуньков, Л.Н. Слуцкинларнинг илмий изланишларидан кенг жой эгаллаган⁶.

Бошқа мамлакатлар сингари ижтимоий-иқтисодий жараёнларни моделлаштириш масалалари республикамиз иқтисодчи олимларининг бу борадаги илмий қизиқишилари предмети бўлиб келмоқда. Жумладан, мамлакатимизнинг таникли иқтисодчи олимлари В.К. Кобулов, С.С. Гулямов, Н.К. Аимбетов, Т.Ш. Шодиев, О.М. Абдуллаев, Р.Х. Алимов, Б.Ю. Ходиев, Н.М. Махмудов, Б.Т. Салимов, Ш.Р. Холмўминов, С.К. Салаев, Б.А. Бегалов, Р.Т. Далимов, Х.С. Мухитдинов, И.С. Абдуллаев, А.Т. Кенжабаев, С.А. Умаровларнинг илмий ишларида ишлаб чиқаришни моделлаштириш ва прогнозлаш, мураккаб экологик вазиятлар шароитида ижтимоий-иқтисодий жараёнларни моделлаштириш, кичик бизнеснинг ривожланиш тенденцияларини прогнозлаш, барқарор ижтимоий-иқтисодий ўсишнинг омиллари ва эконометрик моделлари, қишлоқ хўялиги ҳамда қишлоқ меҳнат бозорини шаклланиши ва ривожланишини моделлаштириш масалалари чуқур ва кенг тадқиқ этилган⁷.

Аммо юқоридаги илмий тадқиқотларда республика саноатининг ривожланиш тенденциясини моделлаштириш масаласи алоҳида илмий тадқиқот обьекти сифатида ўрганилмаган. Иккинчи томондан, тадқиқ этилаётган тадқиқот ишида республика саноати ривожланишининг ҳозирги ривожланиш хусусиятлари ва жараёнлари инобатга олинган бўлиб, бу эса танланган тадқиқот мавзусининг долзарблиги, мақсади ҳамда унда ҳал этиладиган масалалар доирасини белгилашга кенг имкониятлар яратиб беради.

⁶ Конторович В.К. Взаимосвязь реального курса рубля и динамики промышленного производства в России // Экономический журнал ВШЭ. № 3. 2001; Андронникова Н.Г., Баркалов С.А., Бурков В.Н., Котенко А.М. Модели и методы оптимизации региональных программ развития. - М.: ИПУ РАН, 2001; Колемаев В.А. Математическая экономика. - М.: Юнити, 2005; Клементьева С.В. Применение теории нечетких множеств для измерения и оценки эффективности реализации наукоемкой продуктовой инновации // Заводская лаборатория. Т.72. №11. 2006; Муравьева В.С., Орлов А.И. Организационно-экономические проблемы прогнозирования на промышленном предприятии // Управление большими системами. Выпуск 17. - М.: ИПУ РАН, 2007; Нуреев Р.М. Экономика развития: модели становления рыночной экономики: учебник / Р.М. Нуреев.-2-е изд., перераб. и доп. - М.: Норма, 2008; Светуньков И.С. Производственные функции комплексных переменных в экономическом анализе. Автореф. на соиск. уч. степ. канд. экон. наук. 2008; Слуцкин Л.Н. Статистический анализ инфляционных процессов в промышленных секторах американской экономики, 1959-1966 гг. Прикладная эконометрика. №1(13) 2009.

⁷ Гулямов С.С. Проблемы моделирования развития территориально-промышленных комплексов. Дисс. на соиск. учен. степ. докт. экон. наук. - М. 1974; Шодиев Т.Ш. Проблемы моделирования развития сельского хозяйства (на примере Узбекистана).: Дис... докт. экон. наук. - Т.: ТГЭУ, 1988; Абдуллаев А.М. Региональные проблемы прогнозирования научно-технического прогресса в промышленности. Автореф. дисс., на соис. докт. экон. наук. - Т. 1989; Алимов Р.Х. Прогнозный анализ и управление развитием хлопковопромышленных комплексов. Дисс. докт. экон. наук. - Т.: ТГЭУ, 1993; Ходиев Б.Ю. Ўзбекистон иқтисодида тадбиркорлик ривожини эконометрик моделлаштириш.: Икт. фан. док. дис... автореф. - Т.: ТДИУ, 2000; Махмудов Н.М. Моделирование производственно-экономических процессов хлопко-перерабатывающих отраслей.: Дисс. докт. экон. наук. - Т.: ТГЭУ, 1993; Салимов Б.Т. Моделирование использования и развития производственного потенциала региона. - Т.: Ўқитувчи, 1995; Салаев С.К. Кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш (Ўзбекистон Республикаси мисолида).: Икт. фан. док. дис... автореф. - Т.: ТДИУ, 2008; Кенжабаев А.Т. Эконометрическое моделирование развития промышленности города: на примере города Алмалька: Дис... канд. экон. наук. - Т. 1990; Умаров С.А. Моделирование развития производственной структуры локального территориально-хозяйственного комплекса (на примере Сырдарыинского ЛТХК Республики Узбекистан). - Т. 1993.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий тадқиқот ишлари режасига киритилган бўлиб, мазкур тадқиқот 2017-2020 йилларга мўлжалланган ОТ-Ф1-154 рақамли «Миллий иқтисодиёт таркибий ўзгаришининг ялпи ички маҳсулот ўсишига таъсирини баҳолаш методологиясини такомиллаштириш» мавзуидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади республика саноат тармоғининг ривожланиш тенденциясини моделлаштириш орқали унинг келгусидаги барқарор ривожланишини таъминлаш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Тадқиқот мақсадига эришиш учун куйидаги вазифалар белгилаб олинди:

миллий иқтисодиётни ривожлантиришда саноат тармоғининг тутган ўрнини асослаш, унинг ривожланиш босқичи ва хусусиятларини аниқлаш, саноат тармоғининг ривожланиш тенденциясини моделлаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш ва моделлаштириш муаммоларини ёритиш;

республика саноатининг ривожланиш трендларини, унинг тармоқ тузилишидаги таркибий ўзгаришлар ҳамда саноат ишлаб чиқариш тизимидағи ўзаро боғлиқ омилларни моделлаштириш;

республика саноатининг иқтисодий ривожланиш жараёнларини моделлаштиришни такомиллаштириш, саноат ишлаб чиқариш ҳажмини прогнозлаш ҳамда республика саноатини мутаносиб ривожлантириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиши.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасининг саноат тармоғи танланган.

Тадқиқотнинг предмети республика саноати, унинг тармоқ ва худудий тузилиши, ривожланиш тенденцияси, омиллари ва ривожланиши билан боғлиқ ижтимоий-иктисодий муносабатлар ҳамда моделлаштириш жараёнлари ва усуслари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усувлари. Тадқиқотда илмий билишнинг диалектик ёндашув, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, таҳлил ва синтез, комплекс ёндашув, қиёсий таҳлил, гурухлаш, математик статистика ва эконометрик усувлар кўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

саноат тармоғининг динамиклиқ, тузилмавийлик, «сабаб-оқибат» каби ривожланиш хусусиятлари ва қўп ўлчовли ривожланиш жараёнларини умумлаштириш асосида тармоқ ривожланиш тенденциясини моделлаштиришнинг услубий ёндашувлари ишлаб чиқилган;

саноатнинг тармоқ тузилмасидаги миқдорий ўзгаришларни интеграл баҳолашнинг «косинус-коэффициент» усули такомиллаштирилган ва саноат ишлаб чиқариш тенденциясини прогнозлашнинг рекурсив тенгламалар тизимидан таркиб топувчи қўп омилли эмпирик модели ишлаб чиқилган;

республика худудлари саноатининг қўп ўлчовли ривожланиш

жараёнларини статистик баҳолаш ва таснифлаш услугиятининг худудий саноат кўрсаткичлари ривожланишини интеграл баҳолаш усули такомиллаштирилган;

республика саноат ишлаб чиқаришини мутаносиб ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқаришнинг технологик тузилмасидаги тармоқлар улушкини мақбуллаштириш, худудий тузилмасидаги ишлаб чиқаришнинг номутаносиб ривожланишини бартараф этиш таклифлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

республика саноатининг худудий ва макроиқтисодий ривожланиш тенденцияларидағи муаммолар аниқланган ҳамда саноат тармоқларининг ривожланиш тенденцияларини ифодаловчи тренд тенгламалар ишлаб чиқилган;

республика саноатининг интенсив ўсиш суръатларига таъсир этувчи омиллар аниқланган ва саноат ишлаб чиқариш самарадорлиги баҳоланган;

республика ҳудудлари саноатининг ривожланиш даражалари баҳоланган ҳамда саноат тармоғини мутаносиб ривожлантириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацияда фойдаланилган ахборот базасининг ишончлилиги уларнинг расмий манбалардан олинганлиги билан, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг ишончлилиги республика саноатини ривожлантириш бўйича қабул қилинган устувор йўналиш ва дастурларга қай даражада мувофиқлиги ҳамда тегишли хуносаларни мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этишга қабул қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, диссертацияда ёритилган миқдорий усуллардан республика саноатининг ривожланиш тенденциясини таҳлил қилиш ҳамда унинг ўзгаришларини прогнозлаш, олинган натижалардан республика саноатини узоқ муддатли ривожлантириш истиқболларини белгилаш ва бу борада муҳим қарорлар қабул қилишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертацияда олинган таҳлилий маълумот ва моделлардан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги амалий фаолиятида фойдаланилганлиги, хусусан, амалиётга тақдим этилган асосий динамик моделларга ўзгарувчи омилларни киритиш натижасида республика саноати ривожланишининг келгуси вариант хисоблари ҳосил бўлиши ва у турли иқтисодий ривожланиш вариантларини ишлаб чиқиш имкониятини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Саноатнинг ривожланиш тенденциясини моделлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

саноат тармоғи тузилмасидаги таркибий ўзгаришларни баҳолаш усулидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг «Макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозини ишлаб чиқиш ва мониторинг қилиш ҳамда чораклик маъruzаларни тайёрлаш йиғма бўлими» томонидан

макроиктисодий прогнозларни шакллантириш жараёнида фойдаланилган (Иқтисодиёт вазирлигининг 2018 йил 16 январдаги ММ-3-1/20-20-4952-сон маълумотномаси). Ушбу усулдан фойдаланиш асосида республика ялпи саноат маҳсулотининг ўсиш суръати прогноз қилинганд;

саноат ишлаб чиқариш тенденциясини прогнозлашнинг эконометрик моделларидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг «Макроиктисодий кўрсаткичлар прогнозини ишлаб чиқиш ва мониторинг қилиш ҳамда чораклик маъruzаларни тайёрлаш йиғма бўлими» томонидан макроиктисодий кўрсаткичларни прогнозлаштириш амалиётида фойдаланилган (Иқтисодиёт вазирлигининг 2018 йил 16 январдаги ММ-3-1/20-20-4952-сон маълумотномаси). Ушбу моделдан фойдаланиш натижасида республика ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръати прогноз қилинганд;

республика ҳудудлари саноатининг ривожланиш даражаларини баҳолаш услугияти асосида олинган таҳлилий натижалардан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг «Макроиктисодий кўрсаткичлар прогнозини ишлаб чиқиш ва мониторинг қилиш ҳамда чораклик маъruzаларни тайёрлаш йиғма бўлими» ҳудудий прогнозларни шакллантириш жараёнида фойдаланилган (Иқтисодиёт вазирлигининг 2018 йил 16 январдаги ММ-3-1/20-20-4952-сон маълумотномаси). Мазкур услугиятдан фойдаланиш натижасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг 2018 йилги ҳудудий прогноз кўрсаткичлари шакллантирилган;

республика саноат ишлаб чиқаришини мутаносиб ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг «Макроиктисодий кўрсаткичлар прогнозини ишлаб чиқиш ва мониторинг қилиш ҳамда чораклик маъruzаларни тайёрлаш йиғма бўлими» томонидан таҳлилий материаллар тайёрлаш жараёнида фойдаланилган (Иқтисодиёт вазирлигининг 2018 йил 16 январдаги ММ-3-1/20-20-4952-сон маълумотномаси). Натижада Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги 6 ойлик ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари бўйича таҳлилий материаллар тайёрланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганини. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда 11 та илмий мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 3 та боб, хуроса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 120 бетни ташкил этди.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, мавзуунинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти изоҳлаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Саноат тармоғининг ривожланиш тенденцияси ва омилларини моделлаштиришнинг назарий-услубий асослари**» деб номланиб, унда саноат тармоғининг миллий иқтисодиётда тутган ўрни, тармоқни ривожлантириш зарурати, ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари, унинг турли даражадаги ривожланишини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими ҳамда ривожланиш тенденциясини моделлаштириш усувлари баён этилган.

Саноат - миллий иқтисодиёт ва моддий ишлаб чиқаришнинг етакчи тармоғи бўлиб, унда моддий неъматлар яратилади ва у ишлаб чиқариш ҳамда ишлов бериш билан банд бўлган корхоналар мажмуи ҳисобланади. Саноат, маҳсулот ва энергия шаклидаги моддий буюмларни яратиш, табиий ресурсларни қазиб олиш ва қайта ишлаш, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш каби фаолиятлардан таркиб топади.

Кўп сонли тадқиқотларда қайд этилишича, саноатга иқтисодий ўсишнинг «асосий таянч нуктаси» сифатида қаралади⁸. Мазкур фикр саноатнинг бошқа иқтисодиёт тармоқларига нисбатан инновация ва билимларнинг янги комбинациясидан фойдалана олиш имкониятининг юқорилиги, фан-техника ютуқлари ва илмий ишланмаларни татбиқ эта олиши, иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш тармоқларини технологиялар билан таъминлай олиши, иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш ҳамда миллий иқтисодиётнинг ҳар бир тармоғи ривожланишини таъминлаб бериш хусусиятига эгалиги билан изоҳланади.

Саноатнинг ривожланиши - ундаги ўзгаришларнинг шундай шаклини, у иқтисодий тизимнинг муайян вақт ва фазодаги яхлит, комплекс, орқага қайтмайдиган, илгариланма йўналишга эга бўлган, миқдорий ва сифат ўзгаришларини ўзида акс эттиради ҳамда у «ўсиш», «ўзгариш», «сабаб ва оқибат боғлиқлиги» каби шаклларда намоён бўлади.


Тадқиқотда саноат тармоғининг ривожланиш тенденциясини комплекс ифода этувчи кўрсаткичлар тизими (глобал даража (жаҳон), макродаражада (мамлакат), минтақа даражаси (худуд), мезодарежа (тармоқ), микродаражада

⁸ Lall S. (2000). Technological Change and Industrialization in the Asian Newly Industrializing Economies: Achievements and Challenges. In: Technology, Learning and Innovation: Experiences of Newly Industrializing Economies, eds. Kim L. and Nelson R.R. Cambridge: Cambridge University Press; Szirmai A. and Verspagen B. (2011). Manufacturing and Economic Growth in Developing Countries, 1950-2005. UNU-MERIT Working Paper Series 2011- 069. Maastricht, The Netherlands: United Nations University, Maastricht Economic and Social Research Institute on Innovation and Technology.

(корхона) ҳамда нанодаржа (маҳсулот)) 6 босқичга ажратилди.

Таклиф этилган кўрсаткичлар тизимининг аҳамияти, саноат тармоғининг ижтимоий, иқтисодий, инвестицион, инновацион, технологик, энергетик ва экологик ривожланиш жараёнларини комплекс таҳлил қилиш ва баҳолаш имкониятларини бера олиши билан изоҳланади.

Саноат тармоғининг ривожланиш тенденциясини моделлаштириш зарурати - тармоқни ривожлантириш учун оптималь қарорлар қабул қилиш ва унинг истиқболини баҳолаш билан изоҳланади. Саноат ривожланишини моделлаштиришнинг ўзига хослиги, унинг тармоқ сифатида қуидаги мураккаб ривожланиш хусусият ва жараёнларидан келиб чиқади ҳамда мазкур хусусият ва жараёнларнинг ҳар бири моделлаштириш обьекти ҳисобланади (1-расм).



1-расм. Саноат тармоғи ривожланишиниning ўзига хос хусусиятлари, жараёнлари ва уларни тадқиқ этишининг міндердій усуллари⁹

⁹ Муаллиф томонидан тузилган.

Тадқиқотда саноат тармоғининг ривожланиш тенденциясини моделлаштириш масаласига муаллиф томонидан уч хил ёндашилди. Мазкур ёндашув «ривожланиш» тушунчасига бўлган уч хил ёндашув ҳамда республикадаги иқтисодий ислоҳотларнинг мазмуни ва ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади:

саноат тармоғининг вақт омилига нисбатан тадрижий ривожланишини тадқиқ этиш (ўсиш);

саноат тармоғининг муайян бир иқтисодий тизим ичида ривожланиши (ўзгариш);

саноат тармоғининг муайян омиллар таъсири остида ривожланиши (сабаб ва оқибат боғлиқлиги).

Тадқиқотда саноат тармоғининг ривожланиш тенденциясини моделлаштириш муаммолари йириклиштирилиб икки гурухга ажратилади:

1. Моделлаштиришгача бўлган муаммолар: статистик маълумотларнинг ахборотлашганлик даражаси, статистик услубиётдаги хатоликлар, иқтисодий фаолиятни таснифлашдаги муаммолар, статистик маълумотларнинг аниқлилик даражаси ва ҳоказо.

2. Моделлаштириш жараёнидаги муаммолар (эконометрик моделлар учун): статистик кўрсаткичлар динамикасининг етарлича катта бўлиши, стационарлик, мультиколлинеарлик, автокорреляция ва гетроскедастриклик муаммолари бўлиб, улар ишлаб чиқилиши кўзда тутиувчи моделларнинг сифатига ўз таъсирини кўрсатади.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Ўзбекистон саноатининг ривожланиш тенденцияси ва омилларини моделлаштириш»** деб номланиб, унда республика саноатининг ривожланиш трендлари, саноат ишлаб чиқаришининг тармоқ тузилишидаги таркибий ўзгаришлари ҳамда ишлаб чиқариш тизимидағи ўзаро боғлиқ омиллар моделлаштирилган.

Тахлилларга кўра, 2000-2016 йиллар давомида республикадаги ЯИМнинг ўртacha йиллик ўсиши (геометрик ўртacha ўсиш) 1,306 мартани, ялпи саноат маҳсулотининг (ЯСМ) ўртacha йиллик ўсиши 1,299 мартани ҳамда саноат тармоғи ялпи қўшилган қийматининг (СЯҚҚ) ўртacha йиллик ўсиши эса 1,344 мартани ташкил этди. Вариация коэффициентларига кўра, ЯИМ йиллик ўсиш динамикасидаги ўзгарувчанлик (76,68 фоиз), ЯСМ (76,06 фоиз) ва СЯҚҚ (74,57 фоиз) йиллик ўсиш динамикаларидаги ўзгарувчанликларга нисбатан кучлироқ эканлигини кўрсатди (1-жадвал).

Тадқиқотда республика туманларининг 2016 йилда «республика саноатида туманлар улуши» мезони бўйича тақсимоти ва унинг қонунияти (эгрилиги) тадқиқ этилди. Стерджесс формуласи ёрдамида мазкур мезон бўйича республика туманлари 8 та гурухга (k) ажратилди ($k = 1 + 3 \cdot 322 \lg 158 \approx 8$). Дастлабки гурух оралиғи ($x_{\min} + h$) - формула ёрдамида шакллантирилди ва тақсимот оралигининг кенглиги (h) 0.3 фоизни ташкил этди ($h = (x_{\max} - x_{\min}) / 8$). Олинган натижаларга кўра, тақсимот улуши 0.05-0.35 фоизгача бўлган оралиқда ҳақиқий такрорланишлар нисбий частотаси 29,7 фоизни, 0.36-0.66 оралиқда 36,7 фоизни, 0.67-0.97 оралиқда 16,5 фоизни,

0.98-1.28 оралиқда 5,7 фоизни, 1.29-1.59 оралиқда 5,1 фоизни, 1.6-1.9 оралиқда 4,4 фоизни, 2.0-2.3 оралиқда 1,3 фоизни ҳамда 2.40-2.52 оралиқда эса 0,6 фоизни ташкил этди.

1-жадвал

2000-2016 йиллар давомида ЯИМ, ЯСМ ва СЯҚҚ динамикасидаги асосий ўзгаришлар таҳлили¹⁰

Кўрсаткичларнинг номланиши	Хисоблаш формуласи	ЯИМ	ЯСМ	СЯҚҚ
Геометрик ўртача ўсиш (коэффициентда)	$\bar{K}_{geom} = \sqrt[m]{K_1 \cdot K_2 \cdot \dots \cdot K_m} = \sqrt[m]{\prod_{i=1}^m K_i}$ ёки $\lg \bar{K}_{geom} = (\lg K_1 + \lg K_2 + \dots + \lg K_m) / m$	1.306	1.299	1.344
Геометрик дисперсия (коэффициентда)	$\lg \sigma_{\bar{x}_{geom}}^2 = (\sum (\lg x - \lg \bar{x}_{geom})^2) / n$	1.003	1.003	1.005
Вариация коэффициенти (фоизда)	$V = (\sigma \cdot 100) / \bar{x}$	76.68	76.06	74.57
1 фоизли қўшимча ўсишнинг мутлақ қиймати (2016 йил, млрд.сўм)	$\alpha = 0.01 \cdot y_{i-1}$	1718.1	975.9	402.6

Бундан кўринадики, ҳақиқий такрорланишлар нисбий частотасининг катта қисми 0.36-0.66 фоизгacha бўлган оралиқда шаклланган бўлиб, тортилган ўртача қиймат (μ) 0.64 ва ўртача квадратик четланиш (σ) 0.47 қийматларни ташкил этади.

Тақсимот қонуниятини аниқлашда К. Пирсон эгриликлари оиласининг асосий кўриниши сифатида қуидаги дифференциал тенгламадан фойдаланилди¹¹:

$$\frac{y'}{y_0} = \frac{-x + a}{b_0 + b_1x + b_2x^2} \quad (1)$$

Бунда y_0 - x катталик тақсимот эгрилигининг ординатаси, a , b_0 , b_1 , b_2 - тенглама параметрлари бўлиб, мазкур тенгламанинг интеграл кўриниши қуидаги ифодадан иборат бўлади:

$$y = y_0 \exp \left\{ - \int \frac{(x - a)dx}{b_0 + b_1x + b_2x^2} \right\} \quad (2)$$

Ушбу интегралнинг тавсифи $b_0 + b_1x + b_2x^2$ - тенгламанинг илдизларини аниқлайди. Мазкур тенглама илдизларидан мос равишда 12 кўринишдаги Пирсон эгриликлари ажратилади¹². Бизда қаралаётган жараёнда ҳақиқий (кузатилган) такрорланишларнинг тақсимот эгрилиги (m) экспоненциал

¹⁰ Муаллиф хисоб-китоблари.

¹¹ Гришин А.Ф., Котов-Дарти С.Ф., Ягунов В.Н. Статистические модели в экономике. - Ростов н/Д: Феникс. 2005. - 106 с.

¹² Венецкий И.Г., Венецкая В.И. Основные математико-статистические понятия и формулы в экономическом анализе. - М.: Статистика, 1974. - 149 с. (Табл. 21).

функцияга яқин бўлганлиги учун мазкур тақсимотни Пирсоннинг 10 чи кўринишдаги (кўрсаткичли) эгрилигига мос келиши ҳакида H_0 : гипотеза билдирилди. Бироқ $\chi^2_{кузам} > \chi^2_{kp}$ бўлганлиги учун ушбу H_0 : гипотеза қабул қилинмади.

Олиб борилган тадқиқот натижасида изланаётган тақсимотнинг Пуассон қонунига ($P_n(k) = (\lambda^k \cdot e^{-\lambda}) / k!$) яқин эканлиги қайд этилди. Пуассон қонуни ($\lambda=M(X)=D(X)$, бизда $\lambda = 0.64$) дискрет тақсимот бўлиб, у узлуксиз тақсимотлар қаторига кирмайди. Узлуксиз тақсимотлар учун ξ_i тасодифий миқдорнинг тақсимот функцияси

$$F_{\xi_i}(x_i) = \int_{-\infty}^{x_i} f_i(u_i) du_i \quad (3)$$

бўлиб, ξ_1, \dots, ξ_n лар боғлиқсиз бўлса, бу тасодифий миқдорларнинг биргаликдаги тақсимот функцияси қўйидаги ифодадан таркиб топади¹³:

$$\begin{aligned} F_{\xi_1, \dots, \xi_n}(x_1, \dots, x_n) &= F_{\xi_1}(x_1) \cdot \dots \cdot F_{\xi_n}(x_n) = \\ &= \int_{-\infty}^{x_1} f_1(u_1) du_1 \cdot \dots \cdot \int_{-\infty}^{x_n} f_n(u_n) du_n = \int_{-\infty}^{x_1} \dots \int_{-\infty}^{x_n} f_1(u_1) \dots f_n(u_n) du_1 \dots du_n \end{aligned} \quad (4)$$

4-дан шундай хуносага келиш мумкинки, дискрет тасодифий миқдор эҳтимоллари тақсимотини тавсифлаш учун дифференциал функцияни қўллаб бўлмайди¹⁴.

Демак, бизда $\chi^2_{кузам} = 10.3 < \chi^2_{kp} = 11.1$, $\chi^2_{kp}(0.05; k = 8 - 3 = 5)$ ва $\chi^2_{kp}(0.05; 5) = 11.1$ бўлганлиги учун мазкур тақсимотнинг Пуассон қонунига яқинлиги тўғрисидаги гипотезани рад этишга ҳеч қандай асос топилмади. Хуноса қилиб айтганда, мазкур тақсимотда оралиқлар сони ортиб бориши билан дастлаб қисқа оралиқда кузатилган ҳақиқий тақрорланишлар (m) частотаси ортиб, сўнгра узок оралиқда мазкур частоталар тезлик билан камайиб боради.

Тадқиқотда саноатнинг тармоқ тузилмасидаги ўзгаришларни интеграл баҳолаш учун «косинус-коэффициент» усули қўлланилди. Мазкур усул векторлар орасидаги бурчакнинг косинусини ҳисоблашга асосланади ва унинг афзаллиги «таркибий ўзгаришларнинг иқтисодий ўсишга таъсири»ни қулай талқин қила олиш имконияти мавжудлиги билан изоҳланади.

Айтайлик, $A = (s_{1,A}, s_{2,A})$ ва $B = (s_{1,B}, s_{2,B})$ таркибли векторлар берилган бўлсин. У ҳолда улар ўртасидаги бурчакнинг косинуси қўйидагига teng бўлади¹⁵:

$$\cos(\alpha) = \frac{\langle A, B \rangle}{\|A\| \cdot \|B\|}, \text{ бунда } 0 \leq \alpha \leq \pi \quad (5)$$

Агар, берилган таркибли векторларнинг мос координаталарини (5) га қўйиб тўлиқроқ ёзадиган бўлсак, у ҳолда қўйидаги ифодага эга бўламиз:

¹³ Форманов Ш.К. Эҳтимоллар назарияси. Дарслик. - Т.: Университет, 2014. - 74 б.

¹⁴ Гмурман В.Е. Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика. - Т.: Ўқитувчи, 107, 111, 113 - б.

¹⁵ Bonino N., Willebald H. Structural change and long - term patterns. A methodological proposal for Uruguay in the very long run. Ago-2013. pp. 7-8.

$$\cos(\alpha) = \frac{\langle A, B \rangle}{\|A\|\|B\|} = \frac{\langle (s_{1,A}, s_{2,A}), (s_{1,B}, s_{2,B}) \rangle}{\|(s_{1,A}, s_{2,A})\| \cdot \|(s_{1,B}, s_{2,B})\|} = \frac{s_{1,A} \cdot s_{1,B} + s_{2,A} \cdot s_{2,B}}{\sqrt{(s_{1,A})^2 + (s_{2,A})^2} \cdot \sqrt{(s_{1,B})^2 + (s_{2,B})^2}} \quad (6)$$

Фараз қилайлик, $(t_1; t_2)$ вакт оралиғида түплем тузилмаси $X^{t_1} = (x_1^{t_1}, x_2^{t_1}, \dots, x_n^{t_1})$ координаталардан иборат бўлган вектор маълум вактдан сўнг түплем тузилмаси $X^{t_2} = (x_1^{t_2}, x_2^{t_2}, \dots, x_n^{t_2})$ координатлардан иборат бўлган векторга ўзгарсин. У ҳолда n - ўлчовли фазода векторлар орасидаги бурчак косинуси қўйидаги ифодага тенг бўлади:

$$\cos(\alpha) = \omega_{t_2} = \frac{(X^{t_1}, X^{t_2})}{\|X^{t_1}\| \cdot \|X^{t_2}\|} = \frac{\sum_{i=1}^n (x_i^{t_1} \cdot x_i^{t_2})}{\sqrt{\sum_{i=1}^n (x_i^{t_1})^2} \cdot \sqrt{\sum_{i=1}^n (x_i^{t_2})^2}} = \frac{x_1^{t_1} x_1^{t_2} + x_2^{t_1} x_2^{t_2} + \dots + x_n^{t_1} x_n^{t_2}}{\left(\sqrt{(x_1^{t_1})^2 + (x_2^{t_1})^2 + \dots + (x_n^{t_1})^2} \right) \cdot \left(\sqrt{(x_1^{t_2})^2 + (x_2^{t_2})^2 + \dots + (x_n^{t_2})^2} \right)} \quad (7)$$

Мазкур қиймат тузилмавий ўзгаришлар кучини ифода этади ва бунда $\cos(\alpha)$ - тузилмавий вектор бурилиш бурчагининг косинуси бўлиб, $(x_1^{t_1}, x_2^{t_2})$ - $x_1^{t_1}$ ва $x_2^{t_2}$ векторларнинг скаляр кўпайтмаси ҳисобланади, $i = \overline{1, n}$, $\sum_{i=1}^n X_i^{t_1} = \sum_{i=1}^n X_i^{t_2} = 1$

ва $0 \leq x_i^{t_1} (x_i^{t_2}) \leq 1$, $\alpha = \arccos(\omega_{t_2})$.

Агар, x ягона вектор x^i координатлар билан бурилиш нуқта атрофида x' ягона векторга ўтса, у ҳолда x вектор билан таркиб топувчи бир қанча α бурчак қўйидаги муносабат орқали аниқланади¹⁶:

$$\cos \alpha = x' \cdot x = \left[(x^{1'})^2 + \dots + (x^{2k_1})^2 \right] \cos \alpha_1 + \left[(x^{2k_1+1})^2 + \dots + (x^{2k_1+2k_2})^2 \right] \cos \alpha_2 + \dots + \left[(x^{2k_1+2k_2+\dots+2k_{r-1}+1})^2 + \dots + (x^n)^2 \right] \cos \alpha_r \quad (8)$$

Косинуснинг қийматлари $0 \leq \cos(\alpha) \leq 1$ оралиқда бўлиб, унинг қиймати 1 га яқинлашган сари, тузилмавий ўзгаришлар даражаси юқори ҳисобланади ва аксинча, 0 га яқинлашса, шунчалик тузилмавий ўзгаришлар даражаси қуи бўлади. Олинган натижалар, 2000-2016 йиллар оралиғида республика саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш тармоқ тузилмасидаги ўзгаришлар, тузилмавий ўзгаришларнинг максимал даражасига нисбатан ўртача 13,97 фоизни ташкил этганлигини кўрсатади (2-жадвал).

2-жадвал

Республика саноат маҳсулотининг ўсиш суръати ва саноатнинг тармоқ тузилмасидаги ўзгаришларнинг интеграл баҳоси¹⁷

Даврлар	Саноат маҳсулотининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари (фоизда)	Саноатнинг тармоқ тузилмасидаги ўзгаришларнинг интеграл баҳоси (интеграл баҳо - α , градус)
2000-2004	7,4	$\approx 14,7$
2005-2010	10,1	$\approx 16,9$
2011-2014	8,5	$\approx 9,8$
2015-2016	7,3	$\approx 8,9$

¹⁶ Розенфельд Б.А. Многомерные пространства. - М.: Наука, 1966. С. 141, 279.

¹⁷ Муаллиф ҳисоб-китоблари, 2015-2016 йиллардаги қийматлар иқтисодий фаолият турларининг янги статистик таснифлагичига асосан «ишлаб чиқарадиган саноат»даги умумтаркий силжишларни ифода этади.

Тузилмавий ўзгаришлар назариясига кўра, «мамлакатдаги қайта ишловчи саноатнинг ўсиш суръати, узок муддатли иқтисодий ўсиш суръатининг аргументи ҳисобланади». Бу ерда «технологик тараққиётнинг ўсиш суръати иқтисодий ўсишнинг йиллик суръатини белгилаб бериши»га ишора берилади¹⁸.

Мазкур гипотезадан фарқли ўлароқ, тадқиқотимизда республика саноати ялпи қўшилган қийматининг йиллик ўсиш суръати ва мамлакатдаги иқтисодий ўсишнинг йиллик суръати ўртасида ижобий корреляциянинг мавжудлиги аниқланди. Олинган эмпирик натижаларга кўра, саноатда яратилган ялпи қўшилган қиймат йиллик ўсиш суръатининг 1 фоизга ортиши республика ЯИМ йиллик ўсиш суръатининг қўшимча 1,02 фоизга ўсишини таъминлаш имконини беради:

$$g_{GDP} = \frac{2.25}{(3.24)} + \frac{1.02}{(6.27)} g_m, R^2 = 0.68, F = 39.27 \quad (9)$$

Бунда g_{GDP} ва g_m - мос равища ЯИМ ва саноат ялпи қўшилган қийматининг йиллик ўсиш суръатлари бўлиб, қавс ичидаги келтирилган қийматлар Стыюдентнинг t -мезон қийматлари ҳисобланади.

Таҳлилларга кўра, саноат ялпи қўшилган қийматининг ўсиш суръати (x) ва мазкур тармоқда меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати (y) ўртасида кучли чизиқли боғланиш ($r=0,997$) мавжуд. Жумладан, саноат ялпи қўшилган қиймати ўсиш суръатининг 1 фоизга ўзгариши тармоқда меҳнат унумдорлиги ўсиш суръатининг ўртача 0,97 фоиз ўзгаришига олиб келади, $E_x(y)$ ¹⁹:

$$E_x(y) = \lim_{\Delta x \rightarrow 0} \left[\frac{\Delta y}{y} \right] / \left[\frac{\Delta x}{x} \right] = \lim_{\Delta x \rightarrow 0} \left[\frac{\Delta y}{\Delta x} \cdot \frac{x}{y} \right] = \lim_{\Delta x \rightarrow 0} \frac{\Delta y}{\Delta x} \cdot \frac{x}{y} = \frac{dy}{dx} \cdot \frac{x}{y} = \frac{d(ax+b)}{dx} \cdot \frac{x}{ax+b} = \frac{ax}{ax+b} \quad (10)$$

Мазкур таҳлилдан шундай хulosага келиш мумкинки, саноат ялпи қўшилган қийматининг ўсиш суръати, ундаги меҳнат унумдорлиги ўсиш суръати функциясининг аргументи ҳисобланади.

Саноат тармоғи ишлаб чиқаришининг ривожланиши, турли тизимдаги мураккаб омиллар таъсирида вужудга келади. Унинг бу каби ривожланиши тенденциясини моделлаштиришда «эконометрик тенгламалар тизими»нинг куйидаги «рекурсив» кўринишидан фойдаланиш тавсия этилади:

Ишлаб чиқаришида асосий капиталга инвестициялар функцияси (K_t):

$$K_t = f_1(sf_t, xi_t, mi_t, ib_t, sol_t) \quad (11)$$

(+) (+) (+) (-) (-)

Ишлаб чиқаришида меҳнат харажатлари функцияси (L_t):

$$L_t = f_2(ix_t, aki_t, sf_t, otm_t) \quad (12)$$

(+) (+) (+) (+)

¹⁸ Kaldor N. (1966). Causes of the Slow Rate of Economic Growth of the United Kingdom: An Inaugural Lecture. Cambridge University Press.

¹⁹ Замков О.О., Толстопятенко А.В., Черемных Ю.Н. Математические методы в экономике: Учебник. 2-е изд. МГУ им. М.В. Ломоносова. - М.: Дело и сервис, 1999. С.74, 78.

Ишлаб чиқаришида моддий харажатлар функцияси (M_t):

$$M_t = f_3(in_t, sol_t, rn_t, md_t, tx_t, vk_t) \quad (13)$$

Ишлаб чиқаришида энергия харажатлари функцияси (E_t):

$$E_t = f_4(ich_t, ed_t, eb_t, es_t) \quad (14)$$

Юқоридаги (11)-(14) ифодалардан келиб чиқиб, «саноат ишлаб чиқаришнинг композицион эконометрик модели»ни қуидагича ёзиш мумкин:

$$\ln Q_{it} = f_A[\varphi_{1i}, \varphi_{2i}, \dots, \varphi_{ni}, \mu_A] + f_1^\alpha [\eta_{1i}, \eta_{2i}, \dots, \eta_{ni}, \mu_\alpha] \ln K_{it} + f_2^\beta [\phi_{1i}, \phi_{2i}, \dots, \phi_{ni}, \mu_\beta] \ln L_{it} + \\ + f_3^\gamma [\rho_{1i}, \rho_{2i}, \dots, \rho_{ni}, \mu_\gamma] \ln M_{it} + f_4^\omega [\vartheta_{1i}, \vartheta_{2i}, \dots, \vartheta_{ni}, \mu_\omega] \ln E_{it} + \varepsilon_{it} \quad (15)$$

Бунда K_t , L_t , M_t ва E_t - t даврда мос равища саноат ишлаб чиқаришда асосий капиталга инвестициялар, меҳнат, моддий ва энергия харажатлари; sf - саноат корхоналарининг соф фойдаси, xi - хорижий инвестициялар ҳажми, mi - марказлашган инвестициялар ҳажми, ib - импорт божлари, sol - ишлаб чиқаришга солиқлар, ix - ишлаб чиқаришда иш ҳақи даражаси, aki - ишлаб чиқаришда асосий капиталга инвестициялар, otm - муҳандислик йўналишидаги олий таълим битирувчилари сони, in - инфляция даражаси, rn - ресурслар нархи, md - ишлаб чиқаришнинг модернизация даражаси, tx - транспорт харажатлари, vk - валюта курси динамикаси, ich - саноат ишлаб чиқариш ҳажми, ed - асосий фонdlарнинг эскириш даражаси, eb - энергия баҳоси, es - электр энергияси ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати.

Юқоридаги 15-ифодани соддалаштирилган кўринишга олиб келиб, қуидаги натижага эга бўламиз:

$$Y = AK^\alpha L^\beta M^\gamma E^\omega \Rightarrow Y = 9.82 K^{0.099} L^{0.441} M^{-0.006} E^{0.531}, R^2 = 0.996, F = 627.3 \quad (16)$$

Бироқ олинган эконометрик таҳлил натижалари кўрсатди, мазкур регрессия тенгламасининг қўлга киритилган барча коэффициентлари ($t_{критик}^{0.05} = 2.16$) статистик жиҳатдан аҳамиятсизdir. Мазкур ҳолатда омиллар тизими билан кўпайтма шаклида боғланган натижавий кўрсаткич ва унинг ўзгаришига омиллар таъсирини миқдорий баҳолашда «дифференциал ва интеграл ҳисоб» усулларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Хусусан, $f = xuzq$ кўринишдаги мультиплекатив модель учун мазкур жараён қуидагича амалга оширилади²⁰:

$$\Delta f = x_1 y_1 z_1 q_1 - x_0 y_0 z_0 q_0 = A_x + A_y + A_z + A_q \quad (17)$$

17-тенглиқдан A_x , A_y , A_z , A_q ларнинг қийматлари қуидагича аниқланади:

²⁰ Баканов М.И., Шеремет А.Д. Теория экономического анализа: Учебник.-4-е изд., доп. и перераб. - М.: Финансы и статистика, 2001. С. 135-136.

$$A_x = \int_0^{\Delta x} y'_x z'_x q'_x = \int_0^{\Delta x} (y_0 + kx)(z_0 + lx)(q_0 + mx) dx, \quad A_y = \int_0^{\Delta x} x'_{x,y'} z'_x q'_x = \int_0^{\Delta x} k(x_0 + x)(z_0 + lx)(q_0 + mx) dx,$$

$$A_z = \int_0^{\Delta x} x'_{x,z'} y'_x q'_x = \int_0^{\Delta x} l(x_0 + x)(y_0 + kx)(q_0 + mx) dx, \quad A_q = \int_0^{\Delta x} x'_{x,q'} y'_x z'_x = \int_0^{\Delta x} m(x_0 + x)(y_0 + kx)(z_0 + lx) dx, \text{ бунда}$$

$$k = \Delta y / \Delta x; \quad l = \Delta z / \Delta x; \quad m = \Delta q / \Delta x.$$

Агар ишлаб чиқариш функциясининг аддитив шаклидан фойдаланиб, омиллар тизими билан натижавий кўрсаткич ўртасида миқдорий тенгликни ўрнатадиган бўлсак, у ҳолда қўйидаги функцияни қўлга киритиш мумкин:

$$Y = 3.753 + 0.983 K - 0.817 L + 1.426 M - 0.161 E \quad (18)$$

18-модель қаторида келтирилган қавс ичидағи қийматлар Стыюдентнинг t -мезони бўйича ҳисобланган ҳақиқий қийматлари бўлиб, детерминация коэффициенти (R^2) 0.997 қийматни ва Фишернинг F -мезони $F_{\text{хисоб}} = 1079.465$ қийматни ташкил этади. Мазкур прогноз моделининг сифати *Eviews* 9.1-амалий дастури ёрдамида баҳоланди. Олинган натижаларга кўра, Тейл коэффициенти 0,015 қийматга ҳамда *MAPE* яъни, ўртача мутлақ фоиз хатоси 6,99 фоизга тенг эканлиги аниқланди.

